



«Мен - Усмон авлодларининг хукмдориман. Мен - давримиз кахрамонларининг тўрасиман. Мен - бутлар бузувчиси, Ислом душманларини йўқ қилувчиман. Мен - султон Салим, султон Боязид Иккинчининг ўгли, султон Муҳаммад Жаҳонгирнинг набирасиман. Энди...

Уламою мужтахидларимиз сен Исмоил Сафвийга нисбатан ижмоъ чиқариб, сени муртад деб топишди. Хар бир мусулмонга ўз динини химоя қилиб, сенинг бидъатингни ва сенга эргашган ахмоқларнинг бидъатини йўқ қилиш фарз саналди».

Салим Биринчи

Мазкур хикоямиз кахрамонининг исми - Салим Биринчи. Французлар унга Салим Золим, инглизлар эса - Салим Нохуш деган ном бериб, бу билан уни жиддий ва каттиққўл инсон сифатида эътироф этишган. Мусулмонлар эса уни Салим Довюррак ёки Салим Катъий (турклар Салим Ёвуз) деб чақиришган. Узи эса ўзини Икки китъа хукмдори, Икки денгиз подшохи, Икки армия музаффари ва Икки кадамжо хизматчиси деб атаган. Айтиб ўтмоқ жоизки, ўзига Икки кадамжо хизматчиси номини тарихда биринчи бўлиб Салим Биринчи олган, гарчи айрим тарихчилар бу номни мукаддам курд кахрамони Салоҳиддин Айюбийга беришган бўлсада.

Тарих бўйича мактаб дарсликларида ушбу буюк мусулмонни ўтмишда ўтган харбий

жиноятчилардан бири сифатида кандай тавсифлашганини яхши эслайман. Аслида эса у мусулмон оламининг шавкатли хукмдорларидан биридир. Усманийлар халифаси Салим Биринчи розияллоху анхуни бадном килиш тарихи - усманийларни ёмон отликка чиқариш максатида тарихга тажовуз қилаётганлар томонидан олиб борилаётган урушнинг ажралмас қисмидир. Бундай урушнинг асосий нишони сизу биз бўламиз. Тарихга тажовуз қилаётганлар Ислом уммати тарихини ўзимизнинг кўз ўнгимизда қоралашга уринишмоқда. Бу борада қалбимизда шубҳа тугилишига эриша оласанлар бас, уларга қўйда эргашишдан ўзга чорамиз қолмайди.

Вужудга келган кундан буён Усманийлар давлати Европа шаркидаги Византия империяси ва салиб юриши қиролликларига қарши уруш олиб борган. Аллохнинг иродаси билан Салим Биринчининг хукмдорлик даврида Ислом умматига нисбатан ниҳоятда жиддий таҳдидлардан бири юзага келди. Хусусан, Португалиянинг католик қироллиги мусулмонларнинг қадамжои - Мадинаи мунавварага бостириб кириб, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг қабрини очиш, қурдларнинг қахрамон сарқардаси Салоҳиддин Айюбий тортиб олган Қуддусга алмаштириш учун жасадини ўз пойтахти Лиссабонга олиб кетишга аҳд қилди. Салиб юриши қиролликлари ушбу ярамас режа ижросига ҳозирлик қўришни бошлаб, бу масалада шарқда вужудга келган бир давлат билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ушбу давлат ўзини Исломга дахлдор дея баёнот қилди-ю, айна вақтда юқорида айтилган ўта оғир жиноят содир этилиши учун салиб юриши қиролликлари билан ҳуфийёна иттифок тузди. Унинг хукмдори бундай иттифок тузиш борасида Ислом оламининг юрагига бостириб кириш операциясининг раҳбари генерал Афонсо де Альбукерке билан яширинча ёзишиб борди. Ул жирқанч давлат Сафавийлар давлати дея номланар эди. Сафавийлар дегани ким бўлди? Нима учун улар ҳамиша Исломга қарши фитна уюштириб боришган?

Ҳаммаси хижрий 907 йили, милодий 1501 йили Исмоил ибн Хайдар Сафавий исмли, араблардан ўларча нафратланадиган шуубиячи(Шуубия - Араб халифалиги даврида вужудга келган бўлиб, Ислом умматида сиёсий ҳокимиятга эгалик ҳуқуқи фақат қурайшликларга тегишли бўлишини тан олмаган сиёсий ҳаракат.) пайдо бўлган Форсда бошланган. Аввал бошдан у хаддан ортиқ чуқурлашиб кетган, Аллохнинг динига ҳар хил бидъатларни жорий этишга уринадиган сўфийлардан эди, сўнг иккиўнчи шиалар оқимига қўши-либ кетди. У янги, арабларга нисбатан нафратга асосланган сафавийча мафкура ишлаб чиқиб, алдов йўли билан имом Али розияллоху анхуга меҳр қўйган оддий шиалар орасида расм қилиб борди. Зоҳиран қараганда унинг мафқураси Исломий мафкурадай қўринди, аммо унга эргашганлар эса аслида Исломни бузишга қаратилган ишлар билан шугулланишди. Шундан сўнг жинсий йўлга қирган Исмоил ибн Хайдар Сафавий бир нечта жазо Экспедицияларини амалга ошириб, ўз мафку-расини Форс ва Ирок ҳудудларида шамшир қучи ила омалаштиришга киришди. Сафавийлар давлати ўша кундан токи 1785 йили қулагунча фаолият юритди. Шундан сўнг, 1979 йили Хомейний яна сафавийлар мафқурасига асосланган, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг оила аъзоларига муҳаббати борлигини очик-ойдин изҳор қиладиган, аслида эса Исломга, айниқса, арабларга нисбатан адоват руҳи ила сугорилган давлатга асос солди. Аслини олганда сафавийлар мафқураси айримлар қомил ишонч билдираётгандай диний эмас, балки арабларга ва улар билан боғлиқ ҳар қандай нарсага нисбатан нафратга асосланган миллатчилик мафқурасидир.

Португалия архивларида Исмоил шох ибн Хайдар Сафавий билан португалиялик салиб юришчиси, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг жасадини қабридан чиқариб

олиб кетиш режасининг муаллифи генерал Афонсо де Альбукерке билан яширинча ёзишиб, хуфиёна хамкорлик килишганини тасдиқдайдиган хужжатлар мавжуд. Ушбу хужжатларни Британия Очик денгиз жамияти аъзоси Уолтер Де Грей Берч португал тилидан инглиз тилига таржима килган, инглиз тилидан араб тилига эса профессор Абдурахмон Абдуллох Шайх ўгирган. Уша хужжатларга кўра, салиб юришчилари билан сафовийлар Кизил денгизни боскинчи салиб юришчиларидан мухофаза килиш учун тузилган мусулмон мамлуклар ва усмонийларнинг ИсломиЙ иттифокига хамла килишни режалаштирган. Мудхиш режанинг мазмуни шундан иборатки, Афонсо де Альбукеркега Кизил денгизга кириб, Жидда бандаргоҳини эгаллашига имкон бериш учун Исмоил шох кўшниларга қарши уруш бошлаб мусулмонларни қалғитиши керак бўлган. Режага кўра, Сафовий Форс кўрфазининг иккала томонини босиб олиши, португалияликларга бу ерда қалъалар қуриб, савдо-сотик марказларини барпо этишга имкон яратиши керак бўлган. Дарҳақиқат, Афонсо де Альбукерке 1513 йили ўз флоти билан Кизил денгизда пайдо бўлиши ҳамоно, Исмоил шох Халабни (Алеппони) вайрон қилиб, Шомни босиб олиш хавфини тугдирди ва бу билан Мисрдаги мамлук султонини саросимага солиб қўйди. Мунофиқ сафовийлар Ватикандаги Рим Па-паси билан ёзишиб борди. Исмоил Сафовий 1513 йили ўзининг махсус вакилини Папа Лев X нинг ҳузурига нома билан йўллади. Ўша номада у Португалиянинг тутган ўрни, айникса, генерал Альбукеркенинг ролини роса таъриф-тавсиф қилиб юборди. Айни вақтда Афонсо де Альбукерке ҳам Европадаги салиб юриши қиролларига бир қатор номалар йўллаб, сафовийларга ишонч билдиришга, шох Сафовийдан ўз билим ва ёрдамларини, айникса, артиллерия қуролларини ишлаб чиқишда қариг тутмасликка даъват этди. Буларнинг бари генерал Альбукеркенинг ўгли, ёш Афонсо де Альбукерке номи ила танилган шахснинг қаламига мансуб хотираномаларда келтирилган.

Ўша вақтда Усмонийлар давлати вужудга келганидан буён энг оғир даврни бошдан кечираётган эди. Султон Боязид Иккинчи кексайиб, тасарруфидаги ИсломиЙ давлат қатта хавф остида қолаётганига қарамай, идора қилиш ишларидан узоқлашди. Давлат аҳамиятига эга долзарб масалаларни ҳал қилиш ўрнига сўфийлик амалиётига берилиб кетиб шеър ёзиш, қуй басталаш ва шу қабилар билан банд бўлди, ўзига «Сўфи» деган лақаб ҳам орттириб олди. Вазият яна шуниси билан ҳам мураккаблашдики, султон Боязид Иккинчи ўз ўгли Аҳмаднинг дўк-пўписалари таъсирида қолиб, уни валиаҳд этиб тайинлаш маросимида ҳозирлик кўра бошлади. Усмонийлар давлати мусулмонларининг эътиқодини сафовий мафкурага эргашадиган шиъа мазҳабига ўзгартиришни кўзлаб юрган Исмоил Сафовийга эса усмонийлар ҳокимиятининг абзали Аҳмаднинг қўлига ўтиши маъқул кўринди. Аммо усмоний султонларининг сара қўшини саналадиган яничарилар бундай танлов хавфли эканлигини тўлиқ идрок этган ҳолда, ушбу масалада тўсқинлик қилишди. Улар мардлиги ва қатъийлиги учун ўзлари яхши кўришадиган Салим Биринчининг валиаҳд этиб тайинланишини хоҳдашди. Шундай қилиб, ИсломиЙ давлат ва унинг динига нисбатан жиддий хавф тугилган бир пайтда салтанатнинг яничарилар қўмондони бошчилигидаги қатта нуфузга эга амалдорлари Боязид Иккинчидан тахтни Аҳмадга эмас, балки унинг акаси Салим Биринчига бўшатиб бериб, подшоҳликдан воз кечишни талаб қилишди. Кекса султон талабга итоат қилиб, биров ҳалакит бермайдиган ҳилватда сўфийлик амалиёти билан шугулланишни афзал кўрди. Отасининг тахтини эгарлаган Салим Биринчи мусулмонларни Ислом умматига қарши бирлашган ёвуз қучдан ҳимоя қилишга қиришди. Усмонийлар салтанатининг жамаки нуфузли шахслари унга садокатла хизмат қилишга онт ичишгач, Салим Биринчи тўққизинчи усмоний султон

бўлди. Тахтга ўтириши хамоно, султон Салим Биринчи давлат хавфсизлигига тахдид солган е биринчи хавф - укаси Ахмад ва подшоҳ оиласининг бошка аъзолари кўтарган исён билан рўбару келди. Пайгамбарнинг суннати нуктаи назаридан кўриб чиқиладиган бўлса, бундай масала ечимини охирига етказиш учун Муслимнинг «Сахих»ида Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг куйидаги сўзларига амал қилиш керак бўлади: «Агар сизлар битта ҳукмдор бошчилигида бирлашган бўлсангиз-у, сизнинг бирдамлигингизга путур етказишни ният қилган одам пайдо бўлса, ким бўлишидан қатъи назар ўлдиринг уни». (Муслим, 1852; Сахих ал-Жомий, Мажмауз-завоид, 6 - 236.)

Пайгамбар кўрсатган йўлдан боришга аҳд қилган Салим Биринчи исёнчилар муаммосини илдизи билан хал қилди. Сафовийлар ва салиб юришчилари Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг қабрини очиб, жасадини ўғирлаб кетишни ният қилиб турган бир вақтда Исломиё давлатнинг ичидан парчаланиб кетишига сабабчи бўлаётган укаси Ахмадни қатл қилиб, унинг тарафдорларини битта қўймай қириб ташлади.

Султон Салим Биринчи Исломиё давлатни ўз ҳукумати остида бирлаштиргач, Маккаи мукаррамадаги Байтуллохни ва Исломининг биринчи похтаҳти бўлмиш Мадинаи мунавварадаги Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг қабрини салиб юришчиларидан ҳимоя қилиш вақти етди. Салим Биринчи мусулмонларга нисбатан асосий тахдид Исмоил Сафовийнинг давлати томонидан солинаётганини яхши билиб турибди. Шу сабабдан Салим Катъий ишни дастлаб сафовийлар илонининг бошини янчиб талашдан бошлашга аҳд қилди. Усмониёларнинг сара қўшини саналадиган яничарилардан ташкил топган қатта армияни шахсан ўзи бошқарган Салим Биринчи сафовийлар пойтахти - Тавриз шахри томон йўл олди. Жанггоҳга яқинлашар экан йўл-йўлақай Исмоил шох Сафовийга бир нечта нома йўллаб, ундан қалимаи истиғфор айтиш ва ҳақ йўлга қайтишни талаб қилди. Бунга жавобан сафовийлар ҳукмдори Исмоил шох Салим Биринчига афюн тўла тилла қутича юборди. Қутичага илова қилинган номада беор Исмоил шох куйидагича истехзо қилади: «Афтидан, менга йўллаган номангни мана бу гиёҳдан уриб олиб битган кўринасан». Бирок Салим Биринчи ўз армияси билан сафовийлар давлати чегарасига етгач, Исмоил шох Сафовий қанчалик хавфли вазиятга тушиб, қандай қатъиятли кишига рўбару қелиб қолганини теран англаб етди ва Исломиё давлат раҳбарига вақтинчалик сулҳ тузиш, икки давлат ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиб, тинч-тотув яшаш таклифини қиритди. Аммо Исмоил шохнинг таклифини рад этган Салим Биринчи Сафовийлар давлатига расман уруш эълон қилиб, Исмоил шох Сафовийга куйидагича нома йўллади: «Эрқак бўлсанг, майдонга чиқ. Сени қутиб зерикиб қолмайлик». Салим Катъий ушбу хатига илова сифатида Исмоил шохга хотинларнинг қийими, атир-упа, узук-сиргалардан юбориб, бу билан мусулмонлар армияси билан юзма-юз учрашишдан бўйин товлашга уринаётган шохни масҳара қилди. Сафовий усмонийларни тоғли ҳудудга эргаштиришга аҳд қилиб, егулик етказиш масаласи қийин кечадиган табиий шароитда мусулмонлар армияси анча заифлашади деган ҳаёлга борди. Аммо мусулмонлар ҳукмдори кўрқок шохдан қанчалик жирканаётганини кўрган сафовийлар қўшини ўз қўмондонига тазйик ўтқазиб, усмонийлар султони Салим Биринчи билан жанг майдонида юзма-юз учрашишни талаб қилди. Чорасиз қолган Сафовий жанг майдони сифатида бугунги Озарбайжоннинг гарбида жойлашган Чалдиран текислигини танлади. Шундай қилиб, Исломиё тарихида энг муҳим жанглардан бири - Чалдиран мухорабаси бошланди.

Мухораба мусулмонларнинг ҳужуми билан бошланди. Салим Биринчи қўшин қанотларини қиллол шаклида тизди. Шундан сўнг артиллерия қуролларидан душманга қарата

баробаригамўт очишни буюрди. Натижада жанг майдони сафовийларнинг мурдаларига тўлиб-тошди. Канотларийи жипслаштирган Салим Катъий захира кучларга сафовийларнинг ўнг канотиغا, тикка марказига хужум қилишни буюрди. Кўл-оёғи яраланган Исмоил шох ҳам ўша ерда эди. Бирок у аблах ўз табиатига хос тарзда иш тутди, кийимини ўзига якин, жуссаси ўхшаш одамлардан бирига кийдириб, армиясини қаровсиз ташлаб, каламуш сингари қочди. Сафовий кўшинлар командирларининг қаршилиги мусулмонлар армияси томонидан қиска вақт ичида синдириб ташланди. Минг-минглаб душман аскарлари ер тишлади, асир олинди ёки қочиб қутулди. Чалдиран майдони «Аллоху акбар» такбиридан ларзага келди. Салим Биринчи эса бундай галаба учун Аллохга сажда қилиб, хамд-санолар ўқиди. Шундан сўнг отини яна эгарлаган Салим Биринчи сафовийлар пойтахти - Тавриз шаҳри томон йўл олди. Ўша ерда жон сақлаётган Исмоил шох Сафовий мусулмонлар кўшинининг шаҳарга яқинлашиб қолганини эшитиб хотинию халқини ташлаганча яна шамол тезлигида қочиб қолди. Бу сафар у Хой шаҳрида бекиниб олди. Аксарият қисми суннийлардан ташкил топган Тавриз аҳолиси кўп азоб берган сафовийлардан озод қилган султон Салим Биринчинин «Аллоху акбар» такбири ва атиргуллар ила қарши олди.

Чалдиранда қозонилган шонли галаба ҳақидаги хабар Ислом уммати яшайдиган ўлкаларга етиб боргач, султон Салим Катъий номига кўпдан-кўп номалар, биринчи навбатда Шом ва Миср юртидан кела бошлади. Хукмдору амалдорлар ушбу номаларда Салим Биринчидан Ислом оламини бирлаштириб, Исломий давлатларни ўз ҳукми остига олишни илтимос қилишди. Зул-Кодир амирлиги билан Рамазонгуллари бейлиги (Бейлик - қичик феодал ўлка) Усманийлар давлатига қўшилгач, Салим Биринчи у ердаги хукмдорларнинг аксарият қисмини ўз лавозимларида қолдирди. Шундан сўнг у мусулмонларни салиб юришчилари ва сафовийлардан ҳимоя қила олмайдиган даражада заифлашиб қетган мамлуклар давлати томон сафарга отланди. Боз устига, Салим Биринчи мамлуклар султони унга ҳиёнат қилганидан хабар топди. Тарихшунос олим шайх Маръи Ханбалӣ ўзининг «Нузхат ан-Назирин» («Қўраётганлар қувончи») асарида маълум қилишча, Чалдиран муҳорабаси билан яқин топган ҳарбий юриш давомида мамлуклар султони Кансух Гури усманийлар армиясига егулик захираси етказилишига тўсқинлик қилган экан. Бу гап, табиийки, Салим Биринчига етиб борган. Шундай қилиб, Салим Катъий Шом билан Мисрни ҳам Европадан Тавризгача қўзилган Усманийлар давлатига қўшиб олди. Шундан сўнг Хижознинг обрўли амалдорлари султон Салим Биринчига нома йўллаб, ўз садокатларини изҳор этганча, Хижозни ҳам ягона Исломий давлатга қўшиб олишни илтимос қилишди. Айни вақтда аббосий халифа Ал-Мутавакқил Аллох Учинчи ҳокимиятдан Салим Биринчининг фойдасига воз кечди.

Ислом оламини бирлаштирган халифа Салим Биринчи энди ўз зиммасига олган ўта муҳим вазифа ижросига - Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг қабрини португалиялик салиб юришчиларининг тажовуздан ҳимоя қилишга ошиқди. Салиб юришчиларига қаршилик кўрсатиш учун у ўз кемаларини Қизил денгиз ва Хинд океанига юборди. Мусулмонларнинг жанговар кемалари португалиялик босқинчиларнинг кемалари устидан галаба қозонди. Усманийлар флоти Сомали қирғоғига етиб борди. У ерда усманийлар билан маҳаллий мужоҳидлар ўртасида Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг қабрини пухта муҳофаза қилиш бўйича иттифок тузилди. Айни вақтда халифа Салим Биринчи босқинчилар флоти соладиган ҳавф даражасини идрок этган ҳолда қудратли Исломий флот қуришга бел боғлади. Усманий халифанинг амрига биноан халифаликнинг жамики бандаргоҳларида иш қайнади. Орадан кўп ўтмай, қурраи

замин денгизлари хали кўрмаган ўта кудратли Исломиёв харбий-денгиз флоти вужудга келди.

Халифа Салим Катъийнинг эришаётган галабалари хақидаги хабарлар Исломиёв олами бўйлаб тез тарқалди. Кўп ўтмай Жазоирнинг дин тарғиботчилари, ҳуқуқшунослари, уламолари, савдогарлари ва салтанат аъёнлари Салим Биринчининг номига шошилинч нома йўллаб, унда улар Жазоирни усмонийларнинг Исломиёв халифалиги тарқибига қабул қилишни ҳамда Жазоир давлатига, умуман, бутун Шимолий Африкага Испания ва Португалиядан юборилган салиб юришчиларининг флотига қарши курашда амалий ёрдам беришни сўрашди. Шундай қилиб, Жазоир ҳам халифа Салим Биринчи томонидан барпо этилган, ўз ичига салиб юришчилари ва сафавийларга қарши кураш мақсадида бирлашган турли-туман Исломиёв халқлар, миллат ва элатларни мужассам этган йирик Исломиёв лойиҳага қўшилди. Усмоний халифа Салим Биринчи шу заҳоти халифаликнинг барча ўлкаларида оммавий сафарбарлик эълон қилиб, салиб юришчилари ва сафавийларга қарши курашда жасорат ва матонат намуналарини кўрсатган жасур кўнгиллиларни йигиб, Жазоир мужоҳидларига ёрдамга юборди. Халифа Жазоирга ўша даврнинг энг ривожланган артиллерия бўлинмалари билан энг сара усмоний кўшинларнинг икки мингдан зиёд жангчисини юборди. Шунингдек, Салим Катъий Андалусия мусулмонларини христиан инквизициясидан (кийноқларидан) ҳалос қилиш баробарида католиклар томонидан таъқиб қилинган минг-минглаб Андалуссия яҳудийларини ҳам азоб-уқубатлардан қутқарди.

Тутқунликдан ҳалос бўлган андалуссиялик мусулмонлар ўз диндош биродарларига католик қашшоқлар бошқарадиган черков зиндонларида бошдан кечирган даҳшатли қийноқлар хақида айтиб беришди. Бундай ҳикоялар Салим Биринчини қаттиқ ранжитди. Боз устига, айрим христиан раҳнамолари ўзлари Усмонийлар давлатида яшаб туриб, халифалик ҳудудида исён кўтариш ниятида четдаги салиб юришчилари билан ҳуфиёна ҳамкорликни йўлга қўйишгани фожия бўлди. Шунда у Исломиёв давлат ҳудудида яшаётган христианларни Исломиёв мажбурий равишда қиритиш ёки христиан давлатларга чиқариб юборишга аҳд қилди. Аммо Усмонийлар давлатининг муфтиси Замбили Али Мали эфенди бундай қарор ижросига қарши бўлиб, халифа Салим Биринчига ушбу иш Исломиёв ҳаром эканлигини уқтирди. Зеро, биз мусулмонларда бировни «Динга зўрлаб қиритиш йўқдир». (Бақара» сураси, 2:256) Мусулмонлар халифаси нуфузли уламанинг фикрига қўлоқ тутиб, Исломиёв халифалик ҳудудида яшаётган насронийларни ўз холига қўйди. Қаранг, христиан давлатларда яшаётган мусулмонлар оммавий равишда ўлдирилаётган бир замонда-я! Тарихимиз шунақа бизнинг! Динимиз шундай бизнинг! Салтанат аъёнлари халифанинг юриш-туришида толиқиш ва беҳоллик аломатлари қўзғатилаётганини сезишмагунча ҳаётини Исломиёв умматини бирлаштиришга бағишлаган Салим Катъий мужоҳидлар армиясини шахсан бошқарганча, бир жангни нихоясига етказгач, бошқасига қиритиб юраверди. Аъёнлар зудлик билан халифанинг ҳузурига шифокорларни йўллашди. Афсуски, халифа жиддий касалликка чалинганни аниқланди. Аксарият тарихшуносларнинг фикрича, қўли урушдан бўшамаган халифа чалинган касаллик оидан тушмай, икклими турлича давлатлар орасида, офтобнинг қўйдирувчи нурлари остида тинмай юргани оқибатида орттирилган тери саратони бўлган. Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича эса халифага харбий юришлардан бири давомида ўлат касали юккан. Нима қилган тақдирда ҳам 926 йил шаввал ойининг 9 санасида, милодий 1520 йил 22 сентябрь куни Аллох йўлида курашиб, умрини эгар устида ўтказган ушбу олийжаноб чавандознинг оидан тушадиган куни етди. Ул зоти шарифнинг Қиёмат куни

Аллохнинг даргохига олиб боришга hozирлаб кўйган савоб ишларидан гапириладиган бўлса, номаи аъмолига битилган биттагина иши, у ҳам бўлса, инсоният тарихида кўрсатилган нихоятда буюк жасорат - Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг кабрини саклаб колганини тилга олишнинг ўзи кифоядир!

Атокли Ислоний тарихшунос олим доктор Али Саллабий ўзининг «Усмонийлар давлати» асарида халифа Салим Биринчи Катъий розияллоху анхуни куйидагича тавсифлайди: «У мисли йўк олим, окил, хушахлоқ инсон, катъиятли, узокни кўра биладиган, стратегик фикр юритиш қобилияти ривожланган ҳукмдор бўлиб, ўй-хаёли факат халк ва давлат ташвишида бўлган».

Ривоят қилинишича, халифа Салим Биринчининг давлат ишларини каттиққўлликла, окил идора қилгани, коррупцияга аралашиб қўлга тушган ёки мусулмонлар ишини бошқаришга доир хизмат мажбуриятларини талаб даражасида бажармаган ҳар қандай вазирни адолатли суд қилгани натижасида ўша даврнинг Ислоний иктисодиёти мисли қўрилмаган даражада тараккий топган, давлат хазинаси тўлиб-тошган экан. Қунлардан бир қун мўминлар султони Салим Биринчи ўзининг подшоҳдик муҳрини хазина тоқчасига қўяр экан, ёнида турган аъёнларга: «Агар мендан кейин бошқа бир султон хазинани бундан-да ортиқ тўлдира билса, менинг муҳримни ўз муҳри ила муҳрлаб қўйсин, майли», - деган экан. Аммо Салим Биринчидан кейин қелган ҳукмдорлардан бирортаси бундай натижага эриша олмабди. Оқибатда, Салим Биринчи розияллоху анхунинг муҳри қарийб 4 аср давомида - Усмонийлар халифалиги қулагунча ўша тоқчада турганча қолибди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ушбу буюк турк султони араблар ва араб тилига меҳр қўйган. Ўзи ҳам тилни шу даражада пухта ўзлаштирганки, араб тилида шеърлар битган. У ҳатто араб тилига усмонийлар империясининг ягона давлат тили мақомини бериш мақсадида салтанатнинг ҳар бир табааси араб тилини пухта ўзлаштириб олишини истаган. Аммо империянинг олий муфтиси халифанинг одамлар тилини ўзгартиришга ҳақи йўқлигини айтгач, раҳматли Салим Биринчи бундай гоядан воз кечишга мажбур бўлган.

Ривоят қилинишича, Мисрга ташриф буюрган Салим Биринчи розияллоху анху ўз қасрининг мармар деворига қуйидаги мисрани битган экан:

«Ҳокимлик қўлидадир ёлғиз Аллохнинг,

Унинг иродаси ила ёвни енгаман.

Ғар бировда, ё менда бўлса ҳокимлик,

Ерга подшоҳ бўлишни хохлаб қоламан» (Дивану аш-шири ал-арабии аля мурри ал-усур, 41-70.).

Ислон уммати - ўлмасдир. Унинг Салим Биринчи исми қахрамони бокий дунёга рихлат қилиши ҳамоно, ўрнини отасининг муносиб тарбиясини қўрган қахрамон ўғли эгаллади. Отаси Салим Биринчи розияллоху анхунинг ўлиmidан сўнг мусулмонларга бошчилик қилган усмоний халифа қим бўлди? Қандай қилиб у ўз салтанатида Буюк Александрдан (Буюк Александр - Александр Македонский.) ўзиб қетди? Утмиш саҳифаларига битилган Моҳач жангининг тарихи қандай бўлган? Давлатни идора қилиш борасида қўллаган усулини тарихшунос олимлар Аллохнинг элчиси Сулаймон алайҳиссаломнинг идора қилиш усулига ўхшатган, ўзининг исми ҳам ажойиб тасодифла Сулаймон бўлган, Европа қиролларига йўллаган номаларини: «Албатта, у Сулаймондандир ва у меҳрибон ва раҳмли Аллох номи биландир» (Намл» сураси, 30.), - ояти ила бошлаган буюк Ислоний халифа қим эди?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан